

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА № 87

Яккабоғ туман

« 20 » Январ 2022 й.

Яккабоғ Электр тармоқлари, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ж Кенжаев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Яккабоғ туман 18-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Б.Шералиев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида тuzдилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини кабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зимасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қелишилган ҳолда шартнома суммасига узгариришлар киритишга ҳақлидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 15000 КВТ ташкilot қилади.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. "Истеъмолчи"нинг хуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)
- б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;
- в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.
- г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хошишига қура;
- муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини кабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга
- г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

### 2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

- а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларининг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб усқуналарининг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида "Таъминотчи"га ҳабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи усқуналарининг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;
- д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

### 2.3. "Таъминотчи"нинг хуқуқлари:

- а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-қесил ҳисоб-қитобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомасига мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини кабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;
- в) унинг вақили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр ҳисоблагичларни қуриб текширади;
- г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувдан утказмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

### 2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
- б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясининг электр тармоқларининг булиниш

- чегарасига етказиб бериш;
- в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлаш 3-иловага мувофик;
- г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма коидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
- д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;
- е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;
- ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар қилиш;
- ж) жорий этиладиган чеклашлар хақида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар қилиш;
- з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
- и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя қилинсин.

### III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

**3.1 Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий 15000 бахоси** \_\_\_\_\_  
(Олти миллион етти юз эллик минг) сумни ташкил этади.

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
15000	5000	5000	5000									

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур бўлмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари шартноманинг 1-иловасига мувофик тарзда амалга оширилади. Шартнома тузилган даврда 1 киловатт электр энергия тарифнарни сумни ташкил этади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг олдиндан 100 фоиз микдорида ойнинг 20-санасигача ҳақ аванс тарикасида туланади,

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб қилинади. 1 (хисоб-китоб қилиш шакли курсатилади)

1. 3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" ҳар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффицентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тулов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га ойнинг 25-санасигача муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган такдирда электр тармогининг баланс буйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тулов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Ҳар хил тариф гуруҳига таалуқли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар ҳар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга ҳар бир объект буйича билиб қўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Қисман (тулик ҳажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга ошириладиганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли хақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси буйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойда ётказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми қийматининг 30 фоизидан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси ҳар ойда ётказиб берилади. Кичик ва урта бизнес вақиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси қийматининг 100 фоизи микдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Яқуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин)

амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 30 кундан ортик (муддати юкорида курсатилган) муддати утган карздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблаглар муддати утган карздорликни бартаараф этишга йуналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гурухига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гурухи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гурухлари буйича карздорликни бартаараф этиш навбатини мустакил белгилаш хукукига эга.

3.9. Узил-кесил хисоб китоб курсатилган муддатларда амалга оширилмаган такдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тухтатади (шартноманинг 5.5 бандида курсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган туловлар суммасини чишариб ташлаган холда хизмат курсатувчи банк оркали хисобот ойида етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тулов талабномаси беради.

#### **IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун хужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманоманда курсатилган муддатлар ва хажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

"Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманоманда курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ**

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унта дархол хабар берган холда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган холларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг олдиндан 50 фоизини туламаганда;

хисоб-китоб ойи тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида хисоблаш приборларини куришга асоссиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш хукукига эга булади.

5.4. "Истеъмолчи"да хисобга олиш прибори булмаганда;

хисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки хисоблагичдан ташқари нагрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантрилиб электр энергияси тармоғидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тугрисида" ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган такдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса факат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми хисобланади. (7-иловага мувофиқ)

#### **VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қуп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган холларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи (маҳсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0.2 фоиз) микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортикча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита хужалик судига муурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайд.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартнома икки томонлама имзоланган қундан сунг Ғазначилик бўлиמידан руйхатдан утгандан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайдан кейин бажарилиши қерак.

9.3. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вақил қилинган вақиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ташдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг қелишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминотчи»

Яккабоғ Электр тармоқлари

Манзили: Яккабоғ шаҳри Амир Темура қучаси  
тел/факс: 5825385

х/р: 22636000900177786351

банк номи: АТ Саноат-Қурилиш банки

Қарши мин.ф.

МҒО: 00854

ИНН: 200 666 494

ОҚОНХ: 11 170

Раҳбар:  Ж Кенжаев

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

«Истеъмолчи»

18-сон болалар музика ва санъат мактаби  
(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили: Яккабоғ т. А. Темура қучаси 71-уй

тел/факс: +998755825832

ш.х.р. 400622860102507096600056001

СТИР: 206851087 ОҚОНХ: 93145

Ўз.Рес. Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент ш. ББХҚҚМ

МҒО 00014 СТИР: 201122919

Раҳбар:  Б. Шералиев

(имзо)

М.Ў.

(Ф.И.Ш.)

Ушбу 2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ сонли Яккабоғ туман электр тармоқлари қорхонаси билан Яккабоғ \_\_\_\_\_ ўртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1 сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонуни талабларига мос қелади

Хуқуқшунос;

М.Ў

(Ф.И.Ш)

**B.X.SAIDOV**  
28.12.2018 yil  
KS № 000051

2022 йил « 20 » Январдаги

№ 87 - сонли шартномага  
1-сонли Илова

Яккабоғ туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида етказиб бериладиган электр энергияси қўввати бўйича

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

Ойлар	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сўммаси
Январ	кВт	5000	450	2250000
Феврал	кВт	5000	450	2250000
Март	кВт	5000	450	2250000
1-чорак жами	кВт			
Апрел	кВт			
Май	кВт			
Июн	кВт			
2-чорак жами	кВт			
Июл	кВт			
Август	кВт			
Сентябр	кВт			
3-чорак жами	кВт			
Октябр	кВт			
Ноябр	кВт			
Декабр	кВт			
4-чорак жами	кВт			
Хаммаси 2022 йил	кВт	15000		6750000

Яккабоғ электр тармоклари  
бошлиги:

  
(имзо) Ж.Кенжаев  
(ФИО)  
М.Ў

Яккабоғ туман 18-сон болалар мусиқа  
ва санъат мактаби рахбари:

  
(имзо) Б.Шералиев  
(ФИО)  
М.Ў